



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 12 сентябрь, № 188 (7146) Чоршанба

Сайтимицага ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ҲУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ ВА ЛОЙИҲАЛАРИНИ ЖАДАЛ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Таъкидлаш лозимки, ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун максимал даражада қулай шарт-шароитлар яратиш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар қатор тизимли муаммо ва камчиликларга дуч келмоқда.

Хусусан, янгидан ташкил этилган давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарлари, инвестицияларни жалб этиш, иқтисодиёт ва тадбиркорликни, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ҳамда туризмин ривожлантириш учун масъул бўлган ҳоким ўринбосарлари томонидан тадбиркорларнинг долзарб муаммоларини ҳал этишга, ҳудудларда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича тақлифлар ишлаб чиқишга, шунингдек, мавжуд салоҳиятдан максимал даражада фойдаланишга кўп ҳолларда беларво муносабатда бўлинаётганлиги кузатишмоқда.

Республика ва жойлардаги давлат бошқаруви органларида кенг тарқалган ва бартараф этилмаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини кўриб чиқиш ва амалга ошириш, зарур ишлаб чиқариш объектлари, ер участкалари ва кредит маблағларини ажратиш, муҳандислик-коммуникация ва бошқа инфратузилма объектларини яратиш масалаларини ҳал этишдаги сансалорлик, бюрократизм ва тўсиқлар билан боғлиқ ҳолатлар тадбиркорлик субъектларини ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга фаол жалб этиш, ялпи

ҳудудий маҳсулот ҳажмини ошириш, саноат ишлаб чиқаришини кенгайтириш ва хизматлар соҳасини ривожлантиришни таъминламаяпти.

Бундан ташқари, жойлардаги ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларнинг малакаси ва амалий тажрибаси етарли даражада эмаслиги, республика давлат бошқаруви органлари томонидан улар фаолиятини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш ишларининг сустиги қабул қилинаётган қарорларнинг самарали ижро этилишига ва ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичларига эришишга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга тадбиркорлик субъектларини кенг жалб этиш, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларининг ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш, шунингдек, бўш турган объектлар, ер участкалари ва бошқа инфратузилмадан самарали ва оқилона фойдаланиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:  
Ҳудудларда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш комиссияси (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) 1-иловага мувофиқ таркибда; тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш бўйича ҳудудий гуруҳлар (кейинги ўринларда — ҳудудий гуруҳлар) 2 — 14-иловаларга мувофиқ таркибда ташкил этилсин.
2. Белгилаб қўйилсинки, ҳудудий гуруҳлар таркибига кирган давлат органлари ва ташкилотлари

раҳбарлари ва ходимлари асосий иш жойи бўйича мажбуриятларини бажаришдан озод қилинади ҳамда доимий равишда ўзларига бириктирилган ҳудудда бўлади;

Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар ишига Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар раҳбарларининг қарори билан давлат органлари ва ташкилотларининг бошқа вакиллари ҳам жалб этилиши мумкин; Комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг сўровлари, кўрсатмалари барча давлат тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга таъсир қилишига аниқлаштириш бўйича тақлифлар киритиш;

б) ҳудудий гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб:

- 10 қунда камида бир марта жойлардаги давлат органлари ва ташкилотлари даражасида ҳал қилинмаган муаммолар масалаларини кўриб чиқиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантиришга, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишга таъсир қилишига аниқлаштириш бўйича қабул қилинган қарорлар, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотларига манзилли топшириқлар назарда тутилган қарорлар ижроси устидан тизимли назоратни амалга ошириш;
- ҳудудий гуруҳлар томонидан чуқур таҳлил асосида аниқланган тадбиркорликни ривожлантириш,

тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга оширишдаги бюрократик тўсиқ ва говларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича тақлифларни ишлаб чиқиш белгилансин;

б) ҳудудий гуруҳларнинг асосий вазифалари этиб:

- ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳолатини, шу жумладан, муҳандислик-коммуникация, ишлаб чиқариш ва бошқа инфратузилмани ўрганиш, шунингдек, уларни, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банклари маблағларини жалб этган ҳолда янада ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича тақлифлар киритиш;
- ҳудудларнинг эҳтиёжи ва салоҳиятидан (ресурс, табиий-иқлим, меҳнат ва бошқалар) келиб чиқиб, инвестиция киритишни талаб этадиган истиқболли лойиҳаларни, шунингдек, бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини ўрганиш ва аниқлаш;
- тадбиркорлик субъектлари томонидан қўллаб-қувватланган ва тегишли ҳудудда амалга ошириш тақлиф қилинаётган истиқболли лойиҳаларни тезкор кўриб чиқиш чораларини кўриш, салоҳиятли инвесторлар билан музокара ва учрашувлар ўтказиш;
- тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини, шу жумладан, халқаро молия институтлари ва хорижий тижорат банкларининг кредит линиялари ҳисобидан амалга оширишда тижорат банкларининг иштирокчини таъминлаш;

(Давоми 2-бетда).

## ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ

### Микроқарз бериш нормаси муस्ताҳкамланмоқда

Олий Мажлис Сенати Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси ишчи гуруҳи томонидан "Иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорлик ривожлантирилишига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун муҳокама қилинди.

Унда "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига банклар томонидан микроқарз бериш нормасини муस्ताҳкамловчи қўшимча киритиш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари, "Микромолия тўғрисида"ги ва "Микрокредит ташкилотлари тўғрисида"ги қонунлар янги норма билан тўлдирилмоқда. Унга кўра, микромолиявий хизматлар курсатиш шартномалари бўйича йиллик қарз миқдорининг яримдан кўпини ташкил этадиган суммада фойзалар ҳисоблаш, воситачилик ҳақлари ва неустойка (жарима, пеня) ундириш, жавобгарликнинг бошқа чораларини қўллаш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 275-моддаси янги қоидалар билан тўлдирилмоқда. Шу билан бирга, вакил қилган шахс олдидаги мажбуриятни таъминлаш мақсадида божхона брокерининг декларант ёки ваколатли шахс олдидаги ўз фуқаролик жавобгарлигини энг кам ойлик иш ҳақининг минг баравари миқдорда суғуртлаш мажбурияти муस्ताҳкамланмоқда. Чунки назарда тутилган мажбуриятларнинг йўқлиги божхона брокерларни хизматларидан фойдаланишга қарор қилган иштирокчи декларантлар учун хавф пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Ишчи гуруҳ аъзолари Қонун юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

## Япония — парламентларо форумнинг янги манзили

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев бошчилигидаги Ўзбекистон Республикаси делегациясининг Японияга ташрифи бошланди.

Унинг доирасида Япония Парламенти Вакиллар палатаси, Масахатчилар палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Ташқи ишлар вазирлиги, Иқтисодиёт, савдо ва саноат вазирлигида учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда томонлар сиёсий, иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ўзбек — япон ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қиладди.

Делегация аъзолари 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси доирасида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида хориж жамоатчилигини кенг хабардор қилиш, мамлакатимизнинг туристик ва иқтисодий салоҳияти тақдиротида бағишланган тадбирларда иштирок этади.

Бундан ташқари, Вакиллар палатасида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси — Япония Парламенти" иккинчи парламентларо форуми доирасида икки мамлакат парламентлари ўртасидаги алоқаларнинг бугунги ҳолати ва ривож истиқболларини муҳокама қилиш назарда тутилмоқда. Мулоқот "Ўзбекистон Харакатлар стратегиясининг бешта устувор йўналиши бўйича демократик ислохотлар ва янгиланишларнинг янги йўли. Ўзбекистоннинг Япония билан ҳамкорлик истиқболлари" ўзбек — япон симпозиуми форматида давом этади. Тадбирларда икки мамлакат парламент аъзолари, экспертлари ва олимларининг Харакатлар стратегиясини татбиқ этишнинг амалий натижалари, шунингдек, Япония ва Ўзбекистон ўртасидаги икки томонлама алоқаларни янада муштаҳкамлашнинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалари ва нутқлари эшитилди.

Муниссон КАРИМОВА.

## ДАВРА СУХБАТИ

Халқ табобати ўзи нима? Унинг самарали усулларида аҳоли ўз саломатлиги йўлида самарали фойдалана олаётими? Умуман, бугунги кунда табиблик билан кимлар шуғулланыпти?



Халқ табобатининг ҳуқуқий асослари:

## МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан "Халқ табобатининг ҳуқуқий асослари: амалиёт ва халқаро тажриба" мавзусида ўтказилган давра суҳбатидан ана шу саволлар муҳокама марказида бўлгани ҳолда, аждодларимиздан бизга мерос бўлиб келаётган халқ табобатини ривожлантириш, уни ҳуқуқий жиҳатдан муштаҳкамлаш мақсадида қонунчилик тизимини шакллантириш масалалари хусусида муфассал сўз юритилди. Унда депутатлар, соғлиқни сақлаш тизимининг етакчи мутахассислари, тажрибали ҳуқуқшунослар, иқтисодчилар, Ўзбекистон халқ табобати академияси олимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

(ЖССТ)га аъзо 130 га яқин мамлакатларда халқ табобатининг ҳуқуқий мақоми белгиланган. Улар орасида Хитой, Япония, Жанубий Корея, Германия, Ҳиндистон каби давлатларнинг қонунчилиги бой тажрибага эга ва тақомиллашгандир.

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида халқ табобати ҳуқуқий баҳо берилмаган, яъни унинг ҳуқуқий мақоми аниқланмаган. Бироқ амалиётда мамлакатимизда халқ табобатидан турли хил касалликларнинг олдини олиш, таъсис қўйиш ва даволашда кенг фойдаланилаётганига ҳаётий мисоллар орқали амин бўлмоқдамиз.

Давра суҳбатида халқ табобати аънавалари асосида дори воситаларини яратиш ва ундан амалиётда фойдаланишнинг муҳим жиҳатлари хусусида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 4 сентябрдаги "Ишлаб чиқариш майдонларини фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори фаолият кўрсатмаётган, фойдаланилмаган объектлар мулкдорлари, барча даражадаги раҳбарларнинг бундай объектлардан оқилона ва мақсадли фойдаланилиши бўйича масъулиятини кучайтириш, шунингдек, корхоналарни фаол ҳужалик фаолиятига жалб этиш ва шу асосда янги иш ўринларини яратиш каби мақсадларни қамраб олгани билан аҳамиятлидир.

## БЎШ ЁТГАН БИНОЛАР фойдали мақсадларга йўналтирилади

XIX асрда яшаган шотланд иқтисодчиси Адам Смит ўз даврида шундай деган эди: "Барча фуқаролар давлатнинг газнасига — топаётган даромади ва имкониюга қараб, баҳоли қудрат ҳисса қўшишга керак. Энг кўп солиқни эса давлатдан кўп моддий рағбат ва имтиёз олаётганлар тўлаши лозим". Иборага айланган ушбу гални беҳиз тилга олмадик. Узингиздан қолар гап йўқ, сўнгги пайтда сармоя киритиб, тўрт-беш кишини иш билан таъминлайман, деган тадбиркорга ҳар бода, шу жумладан, солиқлар бўйича ҳам имтиёз ва рағбат берилмоқда. Лекин энгиллик ва кулайликка эга бўлиб, эвазига ҳеч бир наф келтирмайдиган, "Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним" қабилда иш тутадиган тадбиркорнинг ишбилармонлиги қаерда қолади? Бир пайтлар давлатдан хусусийлаштирилган бизнесини ишлашмай, ҳеч кимга фойдаси тегмаётган тадбиркорга солиқ борасида имтиёз бериш кимга наф келтиради — давлатгами, ўзигами ёки атрофдагиларгами? Қарор билан худди шу тизим такомилга келтирилиб, бир ўзанга солинади.

Вазиятни тўлиғича кўз олдимизга келтириш учун сал соддароқ тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Яъни биласиз, ўз вақтида колхоз ва совхоз деган тузилмалар тугатилган, бир вақтлар гуруллаб ишлаб турган корхоналар "синиб", абгор бўлганда, улардан — хотиралар билан эриг, гектар-гектар ер, қават-қават мунгайган иморатлар қолганди. "Эси борида этакни йиғиб олган" ишбилармонлар ўша бина-

ларни ўз номига хатлаб, сотиб олди, хуллас, не қилсам хусусийлаштирди. Аммо уларни ишлашга, фойдаланган, фойдаланилмаган объектларнинг ўзи камлик қилади, "Қола деган билан оғиз чучмайди".

Бу ҳолатга барҳам бериш, биналарни янги мақсадга йўналтириш учун ўтган йили февралда Президентимизнинг тегишли қарори қабул қилинган ва биналар хатловдан ўтказилган. Натижада минглаб бўш биналар аниқланди ва сабаби кўриб чиқилди. Давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг майида Наманганга сафари чоғида берган топшириғига кўра, қайта хатлов ўтказилди, мамлакат бўйича оз эмас, кўп эмас 45 мингга бўш ётган бина ва иншоот борлиги маълум бўлди. Уларнинг 27 мингга яқини хусусий мулкдир.

Хўш, янги қарор билан нималар ўзгаради? Аввало, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида бўш объектлардан самарали фойдаланиш бўйича идораларо комиссиялар тузилади. Туман ва шаҳарларда шу иш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳлар ташкил этилади. Уларнинг намунавий таркиби қарор иловалари билан тасдиқланади. Минтақалардаги идораларо комиссияни — Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раиси ёки вилоятлар ҳокимлари, туманлар даражасидаги ишчи гуруҳларини эса туман ҳокимлари бошқаради. Савол туғилдики, ушбу комиссия ва ишчи гуруҳларнинг вазифаси нима?

➔ 2

## Бухоро хорижий сармоядорларини ҳамкорликка чорлайди

Форум доирасида қарийб **400 000 000** долларлик шартномалар имзоланди.

INTERNATIONAL FORUM AGRO BUSINESS BUKHARA

## АНЖУМАН

Мамлакатимизда тадбиркорлар, жумладан, хорижий сармоядорлар учун қулай инвестициявий муҳит яратилгани дунёнинг йирик ишбилармонларида Ўзбекистонга бўлган қизиқиши кўпириги қулайитирмоқда. Биргина Бухоро вилоятида айни пайтда хорижий инвестиция иштирокидаги 103 та корхона фаолият кўрсатаётгани фикримизнинг ёрқин тасдиғидир. Кўҳна шаҳарда ташкил этилган "Agro business Bukhara" халқаро бизнес форумида шу ҳақда сўз юритилди.

➔ 3

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХУДУДЛАРДА ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСЛАРИ ВА ЛОЙИХАЛАРИНИ ЖАДАЛ АМАЛГА ОШИРИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).

бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларини аукцион савдоларига кўйиш билан боғлиқ масалаларнинг тезкорлик билан ҳал этилишини таъминлаш;

жойларда давлат органлари ва ташкилотлари даражасида ҳал қилинмаган тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ муаммоларни масалаларни, шунингдек, зарур ҳолларда, истиқболли тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш бўйича таклифларни Комиссияга киритиш;

вазирликлар ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, шунингдек, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари дирекцияларининг тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш.

4. Комиссиянинг ишчи органи функцияси Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Тадбиркорлик ва инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармасига; ҳудудий гуруҳларнинг ишчи органи функцияси маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг инвестиция, инновация, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича котибиятларига юклатилсин.

5. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ; ҳудудий гуруҳлар молиялаштириш манбаларини (маҳаллий бюджет, вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотларнинг тегишли фаолият соҳалари бўйича бюджетдан ташқари жамғармалари) аниқлаган ҳолда, давлат органлари ва ташкилотлари зиммасига тегишли ҳудудда амалга ошириш учун тавсия этилаётган салоҳиятли лойиҳалар бўйича лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун шартнома асосида лойиҳа ташкилотларини жалб этиш юзасидан мажбуриятларни юклаш ҳуқуқига эга;

қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда аукцион савдоларига кўйиладиган бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкалари тадбиркорлик субъектларининг аниқ инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларини белгиланган ҳолда савдога кўйилади; тегишли ҳудудда, шу жумладан, бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш учун тавсия этилаётган салоҳиятли лойиҳалар Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг веб-сайтларида ва интернетдаги ижтимоий тармоқларда жойлаштирилади, шунингдек, телевидениеда эълон қилинади;

тадбиркорлик субъектлари тегишли ҳудудда амалга ошириш учун тавсия этилаётган салоҳиятли лойиҳаларни танлашда тегишли ҳужжатларни кейинчалик ҳудудий гуруҳнинг ишчи органига юбориш учун Давлат

хизматлари марказларига ёки бевосита ҳудудий гуруҳнинг ишчи органига мурожаат қилиши мумкин;

ҳудудий гуруҳлар бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкаларининг уларда истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича мажбуриятларни, шу жумладан, инвестиция ва ижтимоий мажбуриятларни кўрсатган ҳолда электрон аукцион савдоларига кўйилишини таъминлайди;

ҳудудий гуруҳлар, зарур ҳолларда, тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини амалга ошириш учун салоҳиятли хорижий инвесторларни, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхоналари вакилларини жалб этган ҳолда хорижга чиқиш ҳамда халқаро инвестиция форумлари ва конференцияларда иштирок этиш орқали излаш ва топши бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига эга;

ушбу қарор талабларига мувофиқ ўтказиладиган электрон аукцион ўтказишини умумий мuddати, истисно тариқасида, "E-IRO AUCTION" электрон савдо майдончасида амалга ошириладиган барча тартиб-таомиллар билан бирга 10 кундан ошмаслиги лозим;

бўш турган давлат мулки объектлари ёки ер участкалари аукцион қилинишига бир йилгача мuddатда олдиндан захирага олиш шартларида (лойиҳанинг мураккаблигидан келиб чиқиб, мuddатини узайтириш имконияти билан) кейинчалик инвестиция шартномасида кўрсатилган шартлар бажарилганидан сўнг эгалик ва фойдаланиш ҳуқуқини расмийлаштирилган ҳолда берилади. Инвестор томонидан инвестиция шартномасида кўрсатилган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда, захирага олиш инвесторнинг харажатлари қопланмаган ҳолда бекор қилинади;

Комиссия ҳар ойда амалга оширилган ишлар тўғрисида ҳудудий гуруҳлар ҳисоботини эшитиши, сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарига ахборот киритади.

6. Қўйидагилар ҳудудий гуруҳлар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб белгилансин:

тегишли ҳудудда ҳар минг кишига ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотлари ва кўрсатилган хизматлар; тегишли ҳудудда, айниқса, ёшлар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун яратилган доимий иш ўринлари;

амалга оширилган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳалари, шунингдек, ўзлаштирилган инвестициялар, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар; ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган бўш турган объектлар ва ер участкалари; эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналари ҳудудларида амалга оширилган лойиҳалар.

Белгилаб кўйилсинки, ҳар чорак якуни бўйича ишларнинг натижадорлигига қараб:

Комиссия қарори билан Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар

аъзоларига энг кам иш ҳақининг 30 бараваригача миқдорда, уларнинг раҳбарларига эса энг кам иш ҳақининг 50 бараваригача миқдорда бир марталик мукофот тўланади;

Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар аъзоларига, шунингдек, давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан 30 фоиздан 50 фоизгача миқдорда лавозим маошидан ушлаб қолиш ёки эгаллаб турган лавозимидан озод қилиш шаклида жавобгарлик чоралари қўланади.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой мuddатда Давлат хизматлари марказларида бўш турган давлат мулки объектлари ва ер участкалари неғизда, шу жумладан, давлат-хусусий шериклик шартларида амалга ошириш учун келиб тушаётган тадбиркорлик ташаббуслари ва лойиҳаларини ҳисобга олишини уларни кўриб чиқиш жараёнини мониторинг қилишга имкон берадиган электрон тизимини жорий этсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари (З. Низомиддинов) бир ҳафта мuddатда Комиссия ва ҳудудий гуруҳлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини белгилашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда Комиссия ва ҳудудий гуруҳларнинг иш регламентини тасдиқласин, шунингдек, уларнинг аъзолари, тегишли давлат органлари ва ташкилотлари мансабдор шахсларига нисбатан рабатлантириш ва жавобгарлик чоралари қўлланилишини таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Ўзинжиниринг" Республика лойиҳа институтининг Ўзбекистон муҳандислар-консультантлар уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин, қўйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин: лойиҳа, инжиниринг ва консалтинг хизматларини ривожлантириш;

уюшма аъзоларини истиқболли инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича фаолиятга жалб этиш;

уюшма аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилиш;

халқаро молия институтларини ҳисобидан молиялаштириладиган муҳандислар-консультантлар, лойиҳаларни амалга ошириш гуруҳлари ходимларининг малакасини ошириш;

олий таълим муассасалари билан уларнинг ўқув дастурларига лойиҳалаш ва қурилиш соҳасидаги энг янги ютуқ ва инновацион ёндашувларни жорий этиш бўйича ҳамкорлик қилиш;

хорижий муҳандислар уюшмалари билан ҳамкорлик қилиш, сифатли лойиҳалаштириш ишларини, шу жумладан, хорижда амалга ошириш учун консорциумлар шакллантириш;

10. Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси

Президенти Администрацияси билан биргаликда бир ой мuddатда, шу жумладан, хорижий ҳамкорларни жалб этган ҳолда ихтисослаштирилган инвестиция компаниясини ташкил этиш бўйича таклифлар киритсин, бунда:

инвестиция компанияси инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторлар ресурсларини жалб этиши;

инвестиция компанияси ҳўжалик юритувчи субъектлар устас капиталда уларнинг самарадорлиги ва даромадлиги кўрсаткичларини ошириш учун иштирок этиши;

инвестиция компанияси бўш маблағларнинг республика ҳудудларидаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун жойлаштирилиши;

инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун маҳаллий ва хорижий консалтинглар жалб этилиши назарда тутилсин.

11. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари ҳудудий гуруҳларга юклатилган вазифаларнинг ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилиши, шу жумладан, уларнинг жойлаштирилиши ва ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

12. Белгилансинки, мазкур қарорни амалга ошириш билан боғлиқ тадбирларни, шу жумладан, транспорт харажатларини, яшаш харажатларини, ҳудудий гуруҳларнинг хорижий давлатларга ташрифларини ташкил этиш, консалтингларни жалб этиш харажатларини, шунингдек, бир марталик мукофотлар тўлашни ва бошқа ташкилий чора-тадбирларни молиялаштириш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари буюртманомаларига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва вилоятлар маҳаллий бюджетларига ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, вазирлик, идора ва ташкилотларнинг мультимедиа марказлари ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти, шунингдек, ҳудудий гуруҳлар фаолияти ва мавжуд лойиҳа таклифлари кенг ёритилишини ташкил этсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З. Ш. Низомиддинов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б. М. Павловнинг зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ Тошкент шаҳри, 2018 йил 11 сентябрь

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Самарқанд вилояти ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда "Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида"ги Қонуннинг Самарқанд ва Навоий вилоятларида ижро этилишини ўрганиш натижалари муҳожама қилинди.

Таъкидланганидек, йил бошидан буён ҳар икки вилоятдаги кўп хонадонли уй-жойларни мукамал ва жорий таъмирлаш, уларнинг туташ ҳудудларини ободонлаштириш дастурини амалга ошириш борасида муайян ишлар бажарилган. Хусусан, болалар майдончалари, кўп хонадонли уйлар олдидаги ирригация тизимларини янгидан қуриш ва таъмирлаш, пивёдалар учун мўлжалланган йўлаклар ҳамда кўп хонадонли уйларга ташқи ёритиш мосламалари ўрнатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда Самарқанд вилоятида жами 26,7 миллиард сўм, Навоий вилоятида эса 11,8 миллиард сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Хусусий уй-жой мулкдорлари: Фаолиятдаги камчиликлар танқид қилинди

Бу жараёнда лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрлаб, пулратчи қурилиш ташкилотларини ўртасида танлов савдолари ўтказилган ва молиялаштириш ҳамда қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланган. Маҳлисида мазкур вилоятлардаги ўрганишлар ҳамда фуқароларнинг Сенатга қилган мурожаатлари таҳлилий натижалари ўртага ташланди. ХУЖМШ фаолияти бўйича аҳолининг ижтимоий тармоқлар-

даги фикрлари мониторинги унинг самарали фаолият кўрсатишига тўқинлик қилаётган ва аҳолининг нозирлигини келтириб чиқараётган айрим масалалар борлигини кўрсатди. Чунинчи, ширкатлар раҳбарияти томонидан келгуси даврга мўлжалланган сме-

динлашяпти, — дейди Олий Мажлис Сенати аъзоси Шухрат Чўлиев. — Гарчи, сентябрь ойи ўтаётган бўлса-да, Самарқандда хозиргача кириш йўлакларининг 48 фоизи таъмирланган, холос. Ҳудди шундай темир эшиклар ўрнатиш 51 фоиз, кодли

кўп хонадонли уйлар мулкдорлари ханузгача боқимандалик кайфиятида экани, аксарият фуқаролар шахсий мулк қадри ва аҳамиятини тўлиқ англаб етмаётгани қайд этилди.

Мулкдорларнинг бундай муносабати, ўз навбатида, ХУЖМШ аъзолари томонидан кўп хонадонли уйлар ва уларнинг атрофини ободонлаштириш ҳамда таъмирлаш ишларига сарфланмаган мажбурий тўловлар кечиктириб киритилишига, айрим ҳолларда эса мажбурий тўловлар умуман тўланмаслигига олиб келмоқда.

Муҳожама якунлари бўйича Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг уй-жой коммунал хўжалигини янада ривожлантириш мақсадида қонунчиликка ўзгаришлар киритиш, уларда кўп хонадонли уйларни бошқаришнинг замонавий инновацион шакллари ва усуллари жорий этиш юзасидан тегишли қарори қабул қилинди.

Мамадӣр ЗИЁДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

БЎШ ЁТГАН БИНОЛАР фойдали мақсадларга йўналтирилади

— Ишчи гуруҳлари, таъбир жоиз бўлса, бўш турган объектлар номаи аъмолини, яъни нега бўшаётгани сабабларини вилоят даражасидаги органга — идораларо комиссияга етказиш, — дейди Давлат рақобат қўмитаси бошқарма бошлиғи Азизжон Қаҳқоров.

— Комиссия, ўз навбатида, ўша сабаблару кўмак бериш йўллари ўрганиб, бино тақдирини ҳал этади. Аниқроғи, бино эгасининг мўлжали ва мақсади — уни кейинчалик ишлаштириш бўлса, ишни ижобий ҳал қилади, яъни инвестиция ёхуд банкдан кредит олиш масалаларида кўмаклашди, чўнтаги бақувват ҳамкор топади, ўртада туриб, тавсия беради. Ушандам бирор иш чиқишига кўзи етмаса, ундай мулкдорга нисбатан таъсир чорасини қўллашни тавсия қилади. Биринчи чора — давлат мулки бўлган объектни сотиш. Иккинчиси — оғирроқ, буниси сўнги чора.

Демак, 2018 йил 15 сентябрдан бошлаб:

— Фойдаланилмаётган объектлар мулкдорлари — юридик шахслар соддалаштирилган солиққа тортиш тартибидан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда, яъни эл қатори тўлашга ўтказилади.

— Мол-мулк ва ер солиқларини икки қарра миқдорда тўлашга, 6 ой ўтгач, беш қарра, 12 ойдан сўнг ва кейинчалик, ҳеч бир фойда бўлмаса, ўрнатилган ставкага нисбатан ўн қарра миқдорда тўлашга тўғри келади.

Шу ўринда айтиш керак-

ки, қарор билан фойдаланилмаётган бундай объектларни ҳўжалик фаолиятига жалб этиш севмалари тасдиқланган бўлиб, унга кўра, тадбиркорга тўсатдан солиқ босмасдан, аввал йўл-йўрик бериш, режасини ишлаб чиқиш, агар юқори турувчи ташкилоти бўлса, у билан бирга "йўл харитаси"ни тас-

ўзларига тегишли бўлган фойдаланилмаётган объектларни танқидий таҳлил қилиш ва объектлардан самарали фойдаланиш бўйича аниқ чора-тадбирлардан иборат "йўл хариталари"ни ишлаб чиқиш, биносини эп-лашга кўзи етмаса, уларни туман ва шаҳарлар ҳокимликларига бериш бўйича

2018 йил 15 сентябрдан эътиборан юридик шахсларга қуйидаги таъсир чоралари қўлланилади: соддалаштирилган солиққа тортиш тартибидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни умумбелгиланган тартибда тўлашга ўтказилади; мол-мулк ва ер солиқларини икки қарра миқдорда, 6 ой ўтганидан сўнг — беш қарра, 12 ой ўтганидан сўнг ва кейинчалик — ўрнатилган ставкага нисбатан ўн қарра миқдорда тўлайдилар.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОКОТ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, мутасадди вазирлик ва идоралар раҳбарлари, мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи аъзолари белгиланган мuddат давомида Бувайда туманида навбатдаги ўрганиш ишларини олиб борилади. Тадбирлар давомида туманда 55 маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги 37 мингдан зиёд аҳолининг ўринли эътирозлари ўрганилди. Йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентини маслаҳатчиси У. Исмаилов ўрганиш натижаларини таҳлил қилди. Хусусан, тадбирлар доирасида тумандаги 109 ижтимоий соҳа объекти ўрганилиб, аҳоли томонидан кўрсатилган масалаларнинг 83 фоизи ижобий ҳал этилди. Туманда ишисизлик — энг долзарб муаммо. Бошқача айтганда, бу ерда истиқомат қилаётган 6,5 фоиз аҳолининг доимий даромад манбаи йўқ. Хусусан, 5800 нафардан зиёд меҳнатга лаёқатли ишсизлар бор. Бу борадаги муаммога

Ўрганиш натижалари мутасаддилар масъулиятини кучайтиришни тақозо этади

барҳам беришда раҳбарларнинг ташаббускорлиги етишмайди. Ҳудудда ушбу муаммога барҳам бериш мақсадида Республика ишчи гуруҳи томонидан бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди. Унда Кўқон шаҳри, Бувайда ва Учкўприк туманларидаги 197 ташкилот ҳамда муассасалар, микрофирмалар, кичик корхоналар 712 бўш иш ўрни билан қатнашди. Тадбирлар давомида 160 нафардан зиёд фуқаролар доимий иш ўринларига эга бўлишди. Шунингдек, йиғилишда аҳолини ичимлик суви, суёлтирилган газ билан таъминлаш, электр энергияси, кўп қаватли уйлар, аҳоли саломатлиги билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасида қилинган ишлар ҳам алоҳида таъкидланди. Аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш бўйича маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, профилрактика инспекторлари ҳамкорлиги сезилмапта. Ўрганишлар

шунини кўрсатдики, айрим маҳалла фуқаролар йиғинлари — "Деҳқонobod", "Бекobod", "Масъахат", "Жалаер" ҳудудларида хиноятлар сони сезиларли даражада ортиб кетган. Фуқаролар мурожаатлари га мутасаддиларнинг эътибори талаб даражасида эмас. Ўрганишлар давомида туманда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўймоқчи бўлган фуқаролар кўплиги кўзатилди. Аммо уларга молиявий кўмак зарур. "Ҳар бир оила — тадбиркор" дастури доирасида янги лойиҳаларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Бироқ туманда бу соҳани ривожлантириш, банклар томонидан имтиёзли кредит маблағлари ажратиш талабга жавоб берамайди. "Yoshlar — kelajagimiz" дастури ижроси ҳам режалаштирилганидек эмас. Ҳудудда бўш турган 390 та бинони ҳисоб-китоб қилишда ҳам хотиржамлик ҳукмрон. Ишчи гуруҳи аъзолари ўрганишлар давомида

туман тадбиркорлари билан очик мулоқотлар ўтказиб, бу борадаги камчиликларга ҳам барҳам бердилар. Энди бу йўналишда келгусида истиқболли лойиҳалар амалга оширилади. Фақатгина соҳага дахлдор мутасаддиларнинг масъулиятини кучайтириш даркор. Йиғилишда туманда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш; аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, соғлигини мустаҳкамлаш, таълим-тарбия жараёнларига эътиборини кучайтириш хусусида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Август ойда ишчи гуруҳи томонидан қўшни Бағдод тумани ҳам атрофлиқа ўрганилиб, аҳоли турмуш тарзи билан боғлиқ камчиликлар ва бажарилиши зарур бўлган вазифалар кўрсатиб берилган эди. Йиғилишда мазур туман раҳбарларининг ҳисоботлари эшитилди.

Элвжон ЭҲСОМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш ҳақида топшириқ берилди. Умуман, мазкур қарор билан хусусий мулк бўлган бинони олиб қўйиш кўзда тутилгани йўқ. Аксинча, уларнинг самарали ишлаб, одамларга фойда бериши, бўш ётмасдан, халқнинг қорига ярашини таъминлаш мақсад қилинган. Оддий арифметикани ишга солиб қурайлик: 45 мингта бўш бино ишлаб кетса, ўртача 10 нафардан кишининг бандлиги таъминлансаям, бу камда 450 минг, яъни салкам ярим миллионга яқин одамларнинг рўзғори бут бўлади, дегандир. Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Зокир ХУДОЙШУКУРОВ тайёрлади.



КУЛАЙЛИК

Хизмат автомобиллари топширилади

Хоразм вилоятида фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашларига "Дамас" русумли хизмат автомашиналари топширилади.

— Кенгашлар фермерлар фаолиятига кўмаклашишда алоҳида уринга эга, — дейди фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Хоразм вилояти кенгаши раиси Қажрамон Ражабов. — Хизмат автомашиналарининг берилиши иш самарадорлигини оширади. Вилоятда 9112 нафар фермер, 289 минг 452 нафар томорқа ер эгаси фаолият кўрсатади.

Одилбек ОДАМБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

**БИЗНЕСИНГИЗ ФАРОВОНЛИГИ УЧУН СИЗ БИЛАН БИРГА!**

«Ўзмиллийбанк» инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш мақсадида чет эл банклари ва халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан хорижий валютада кредитлар таклиф этади.

Кредитнинг минимал миқдори — 100 минг АҚШ долларидан бошланади.

THE WORLD BANK, COMMERZBANK, EXIMBANK, LB BW, KOREA EXIMBANK, ГАЗПРОМБАНК

Батафсил маълумотларни (0-371) 148-00-10 телефон рақами, орқали олишингиз мумкин. [www.nbu.uz](http://www.nbu.uz)

**Хурматли тадбиркорлар!**

**«Асака» банки**

мамлакатимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга ошираётган улкан ишларингиз учун миннатдорлик билдиради!

Ушбу хайрли ишларда фаол иштирок этиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятингиз учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида «Асака» банки қуйидаги хорижий банкларнинг кредит линиялари орқали бизнесингизни молиялаштириш ва ривожлантириш учун кредитлар таклиф қилади:

- «Коммерцбанк А.Г.» (Германия);
- «КФВ Ипекс банк» (Германия);
- «Ландесбанк А.Г.» (Германия);
- Хитой Халқ Республикаси «Эксимбанк»и;
- Хитой Халқ Республикаси ICBC банки;
- Халқаро Тараққиёт агентлиги — «Ўзбекистон Республикасида чорвачилик соҳасини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида;
- Халқаро Тараққиёт ва тикланиш банки — «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик секторини ривожлантириш» лойиҳаси доирасида;
- Корея Республикаси «Эксимбанк»и;
- Туркия Республикаси «Эксимбанк»и;
- Хитой Халқ Республикаси давлат тараққиёт банки.

Маълумот учун телефонлар: (0-371) 120-82-24, 120-86-83, 120-82-01, 120-82-62, 120-82-09, 120-82-96.

**«Асака» банки — тадбиркорлик тараққиётининг мустаҳкам таянчи!**

[www.asakabank.uz](http://www.asakabank.uz) Хизматлар лицензияланган.

**«Ўзбекистон темир йўлари» АЖ**

йўлнинг устки қурилмаларини сотиб олиш учун танлов (№ УТУ/НХ-10) эълон қилади.

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Йўлўтказгич Р-50 маркали 1/9 проект 2791.00.000	тўплам	16

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (+99871) 238-84-43, 237-96-33, 237-94-28.

Ариза ва таклифларни расмий бланкда қуйидаги электрон манзилга юбориш лозим: [konkurs@railway.uz](mailto:konkurs@railway.uz) Малакавий танлов учун зарур ҳужжатлар солинган конвертлар ва тижорат таклифлари муҳрланган ҳолда, почта хизмати орқали ёки бевосита даввогарнинг ваколатли вакили томонидан қуйидаги манзилга етказилиши зарур: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.

Танловга ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2018 йил 28 сентябрь соат 17.00.

**«Ўзбекистон темир йўлари» АЖ**

материал ва металл маҳсулотлар сотиб олиш учун танлов (№ УТУ/НХ-11) эълон қилади.

Т/р	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони
1.	Пўлат қувур, диаметри 27х3,5 мм., ГОСТ 8734-75, 8733-74, В гуруҳи, пўлат 20	тонна	70
2.	Пўлат қувур, диаметри 42х4,0 мм., ГОСТ 8734-75, 8733-74, В гуруҳи, пўлат 20	тонна	140

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (+99871) 237-95-70, 237-96-33, 237-94-28.

Ариза ва таклифларни расмий бланкда қуйидаги электрон манзилга юбориш лозим: [konkurs@railway.uz](mailto:konkurs@railway.uz) Малакавий танлов учун зарур ҳужжатлар солинган конвертлар ва тижорат таклифлари муҳрланган ҳолда, почта хизмати орқали ёки бевосита даввогарнинг ваколатли вакили томонидан қуйидаги манзилга етказилиши зарур: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.

Танловга ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2018 йил 28 сентябрь соат 17.00.

**«Ўзбекистон темир йўлари» АЖ**

эҳтиёт қисмлар сотиб олиш учун танлов (№ УТУ/НХ-12) эълон қилади.

**Электровоз ва тепловоз эҳтиёт қисмлари — тақдим этилган техник кўрсаткичларга асосан.**

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: (+99871) 237-94-28, 237-96-33.

Ариза ва таклифларни расмий бланкда қуйидаги электрон манзилга юбориш лозим: [konkurs@railway.uz](mailto:konkurs@railway.uz) Малакавий танлов учун зарур ҳужжатлар солинган конвертлар ва тижорат таклифлари муҳрланган ҳолда, почта хизмати орқали ёки бевосита даввогарнинг ваколатли вакили томонидан қуйидаги манзилга етказилиши зарур: Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 7-уй.

Танловга ҳужжатларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2018 йил 28 сентябрь соат 17.00.

**ООО «Butlash Garant Servis»**

предлагает бетономешалки российского производства

1. Бетономеситель гравитационный МС-200

Технические характеристики: МС-200, геометрический объем барабана — 200 л, время перемешивания — 120 секунд, объем готовой смеси — 110 л, объем загрузки — 150 л, номинальная мощность — 1 кВт, напряжение питания — 220 В/50 Гц, вес — 66 кг.

2. Бетономеситель гравитационный СБР-500А.1

Технические характеристики: СБР-500А.1, геометрический объем барабана — 500 л, время перемешивания — 90 секунд, объем готовой смеси — 270 л, номинальная мощность — 1,5 кВт, напряжение питания — 380 В/50 Гц, вес — 270 кг.

Форма оплаты — перечисление.

ООО «Butlash Garant Servis» реализует бетономешалки российского производства со склада в Ташкенте.

Адрес: г. Ташкент, Сергелийский р-н, ул. Олтин водий, 29А. Телефоны: (+99897) 760-86-00, (+99890) 370-86-86.

Кичик бизнес субъектлари ва хунармандлар диққатига!

**Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар бошқармаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 августдаги 676-Ф-сонли фармойиши ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимининг 2018 йил 20 августдаги 1240-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун «Ташаббус — 2018» кўрик-танловининг туман босқичлари 2018 йил 10 сентябрдан 21 сентябргача ва Тошкент шаҳар босқичи 24 октябрда Олмасор тумани «Зарқайнар миллий либослар галереяси» биносида ўтказилади. Ушбу кўрик-танловда иштирок этиш истагидаги кичик бизнес субъектлари ва хунармандлар туман тадбиркорликка кўмаклашиш марказларига тегишли ҳужжатлар орқали мурожаат қилишлари мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 236-78-45, 233-74-94, 233-46-71.

**«ELXOLDING»**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИК КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИЗДА ЧЕГИРМА

15 500 000 СЎМ

Тел: (+99893) 330-50-00, (+99871) 239-88-58.

Манзил: Самарқанд ш., Гагарин к., 36-уй. Мўлжал — «КИНАП» заводи.

**«Халқ сўзи» ЭЪЛОНЛАР**

9.00 дан 18.00 гача

232-11-15, 232-10-43.

E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси жамоаси жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судининг раиси Неймат Турапович ҲАТАМОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

**Халқ сўзи Народное слово**

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 76 732 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

ТАХРИРЯТТА КЕЛГАН ҚЎЛЪМЛАР ТАҚРИЗ ҚИЛИНМАЙДИ ВА МУАЛЛИФГА ҚАЙТАРМАЙДИ.

Газетанинг эътибор берилиши учун обунали расмийлаштирилган танқилов жавобгар.

Газета таҳрират компьютер марказида теризда ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сифтланган.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов. Навбатчи — Б. Гофуров. Мусахҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА яқуни — 22.10. Топширилди — 22.30 2 3 4 5 6